

«Бисмиллаҳ»нинг фазилати



08:08 / 14.08.2020 1394

Бир аёл ҳар бир қилган ишини, ҳар бир айтган сўзини «бисмиллаҳ» билан бошлар эди. Бу эса аёлнинг мунофиқ эрининг ғашига тегарди. Бир куни эри уни хижолат қилишни кўнглига тугди-да, аёлига ҳамён бериб, уни эҳтиёт қилиб олиб қўйишни тайинлади. Аёл ҳамённи олиб, «Бисмиллаҳ» деб, бир жойга беркитиб қўйди. Эри эса ҳамён беркитилган жойни кўриб олиб, хотинига кўрсатмай ҳамённи олиб, ичидаги нарсаларни қудуққа ташлаб юборди. Эртаси куни у аёлидан ҳамённи топиб беришни талаб қилди. Аёл ҳамённи қўйган жойига келиб, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» деб, ўша жойдан ҳамённи олмоқчи бўлди. Шунда Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломга ҳамённи жойига қайтаришни амр қилди. Аёл ҳамённи олиш учун қўлини узатиб, уни ўз жойидан топди. Ҳангу манг бўлиб қолган эр Аллоҳ таолога тавба қилди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан